

## ТАФАККУР ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ТАБИЙ ОМИЛЛАРИ

*Шодмонов Анвар Акрамович*

*Термиз давлат университети “Ўзбекистон тарихи ва манбашунослик” кафедраси  
ўқитувчиси*

Инсон ва унинг жамиятининг шаклланиш жараёнида албатта, табиий ва ижтимоий омиллар муҳим рол ўйнайди.

Одамнинг пайдо бўлиши ва тараққиётини-антропогенез жараёни деб атаймиз. Унинг пайдо бўлиши учун ер сайёрасида етарлича табиий шарт-шароит мавжуд эди. Агар ер қурраси ва галлактикамиздаги сайёраларнинг пайдо бўлганлигига 5, 5 млрд. йил тўлган бўлса, улар ўз тараққиётида турли эволюцион ўзгаришларнинг гувоҳи бўлган.

Ҳозирги замон палеоантологияси ер тараққиётидаги қандай эрасининг учламчи ва тўртламчи босқичида, яъни бундан 50-60 млн йил муқаддам одам пайдо бўлган. Геология ва тарихий антропология фанларида ер тарихидаги энг буюк инқилоб, бу одамнинг пайдо бўлганлиги деб эътироф этилади.

Аммо инсоннинг келиб чиқиши ва унинг онгининг шаклланиши масаласи мураккаб ва мунозарали масала ҳисобланади.

Одамзоднинг келиб чиқиши ва унинг эволюцион ривожланиши кишиларни қадимдан қизиқтириб келган.

Инсон узоқ вақт, токи ҳозирги қиёфадаги одам пайдо бўлгунича қадар бошқа мавжудотларнинг қариндоши деб ҳисобланган.

Ҳозирги илмий мулоҳазаларга кўра тадрижий ривожланиш маҳсули бўлган одам бир неча млн йиллар муқаддам одамсимон маймунлардан вужудга келган.

Одамнинг дастлабки келиб чиқиш манзили масаласида турли фикрлар мавжуд. Улкан Осиё қитъаси, жанубий-Шарқий ва шарқий Осиё табиатшунос олимларнинг диққатини тортган. Ушбу топилмалар одамнинг Осиёдан келиб чиққанлигини исботлаган эди.

1893 йил Э.Дюбус Ява оролида дарвинизм тарафдори Э. Геккел башорат қилган одам билан одамсимон маймун ўртасида "етишмаётган бўғин" Ҳамо эрестус-тик юрувчи одам номини олган питекантроп топилганлиги хабар берган эди.

ХИХ асрнинг охири-XX аср бошларида Марказий Осиё одамзоднинг илк ватани сифатида тарғиб этила бошланди. Бунга учламчи даврда куруқликнинг Марказий Осиё қисми юзасининг кўтарилиб тропик ўрмонларининг йўқолиши сабаб қилиб кўрсатилган.

Яшаш шароитлари кескин ўзгарган, “маймунлар” ерга тушишга мажбур бўлишган.

ХИХ асрнинг иккинчи ярмида Вагнер-Картфакс-Картальянинг одамзодни илк ватани-Шимолий Осиё ва Европа бўлган деган фикри муҳокама қилинди.

Бироқ XX асрнинг 20-30 йилларидан бошлаб питекантропларга нисбатан анча содда ва одамсимон маймунларга яқин гоминидларнинг кўплаб топилмалари Жанубий ва Шарқий Африкада топилди.

Одамлашишнинг илк босқичига оид ана шундай бой жиҳатлар туфайли ўтган аср охириларига келиб Африка одамзоднинг илк ватани масаласида олдинги ўринга чиқиб олди.

Галеогенетиклар XX асрнинг охирида кенг қамровли материаллар асосида бутун одамзод ягона турга мансуб ва бу турнинг ватани-Африка эканини ишончли тарзда исботлаб, бу масалага нуқта қуя билдилар. Одамзод илк полеолит давридан бошлаб ғор-унгурларни макон қилиб яшай бошлаган. Албатта, инсон учун қулай шароит мавжуд бўлган тоғ ва тоғ олди ҳудудлари, серсув булоқ сой ва дарё ўзанлари ҳайвонот ва наботот оламига бой масканлар бўлган.

Инсон тафаккури тараққиётида табиий омил бизни ўраб турган моддий олам, атроф муҳит ҳисобланади.

Инсоният табиат. Ҳайвонот ва наботот олаmidан ўз улушини ажратиб олиш ва моддий эҳтиёжларини қондириш учун тош қуроолларни кашф эта бошлаган.

Бу ҳақдаги фикрларни биз бундан 2,5-3 млн йил аввалги даврга оид Олдувай дарасидан топилган тош қуроолларга асосланар эдик. Кейинги маълумотларга кўра одам илк ясаган тош қурооллар сақланиб қолган манзилгоҳлар муҳим аҳамиятга эга эканлиги эътироф этилмоқда. Ҳозирги даврда энг қадимги одамлар яшаган жойлар Эфиопиянинг Гона дарёси ҳавзасида аниқланган.

Бу ҳудуддан топилган 15 та манзилгоҳдан ёввойи ҳайвонларнинг майдаланган суяклари, одамнинг суяк қолдиқлари ва энг муҳими 3 мингга яқин содда қуроолларнинг топилиши бу ерда бундан 26 млн йил муқаддам одам тош қурооллар ёрдамида овчилик билан шуғулланганлиги маълум бўлди. Ер тарихининг қайназай эрасининг учламчи ва тўртламчи босқичида пайдо бўлган одамзоднинг аجدодларининг антропологик тараққиёти 50-60 млн йил мобайнида ўзгармасдан тўхтаб қолгани йўқ. Балки, ҳозирги замон фани бундан 3,5 млн йил илгари яшаган одамзод вакиллариининг қолдиқларини билишади. А.Древянко томонидан илгари қурилган одамнинг пайдо бўлиши ҳақидаги фикрлар ҳақиқатга яқиндир.

Инсон тафаккури тараққиётида у яшаган ҳар бир даврнинг ўзига хос аҳамияти бор. Инсон қурол кашф этиши билан бир вақтнинг ўзида, қурол ясаш ва ишлаб чиқариш ҳақида кўникма ва тажриба орттирган. Шу тажрибалари унинг тафаккур ва онгида ўзгаришлар ясаган. Инсон ўзининг онги ва тафаккури билан ҳайвонот олаmidан ажралиб чиқди.

Минтақаларда бошланган қурғоқчилик туфайли маймунсимон одамзод аждоди дарахтларга тушиб, саванна-очиқ яйловларда яшашни ўргана бошлаган.

Инсон ўзини ҳимоя қилиш ва моддий манфаатларини қондириш учун баланд бўйли ўсимлик дунёси ичида тик туриб юришга, атрофни кузатишга мажбур бўлган. Унинг тик туриб юриши, унинг жисмоний тузилишидаги ўзгаришларга сабаб бўлган.

### Адабиётлар

1. Зыбковец В.Ф. Человек без религии. М., 1967
2. Окладников А.П. Исследование мустьерской стоянки и погребания неандертальца в гроте Тешик – таш, негиный Ўзбекистан. Сб. Тешик-таш. Т., 1949
3. Семенов Ю.И. На заре человеческой истории. М., 1969.
4. Джабборов М. Древняя Г. Души, святые боги Средней Азии. Т., Узбекистан. 1993.
5. Исламов У.И. Пещера Мачай. Т., 1971. стр.
6. Кабилов Ж. Сармишсой қоя тошларидаги расмлар Т., 1976.
7. Кривошапкин А. Обирахматский человек: загадка эволюции. Фан ва турмуш. 2008 й.
8. Древянко А. Илк аждодимиз изидан мозийдан садо. 2008 й 3-5 сон. 19-21 бетлар